



Савол:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ!

Мен бу веб саҳифага янгиман, лекин биринчи таассуротларим жуда яхши. Аллоҳ сизлардан рози бўлсин. Менинг саволим умра ва ҳаж маросимларига доир. Баъзи бир биродарлар айтишларига қараганда, Ҳажга боришдан илгари Умра сафарига бориш шарт эмиш! Илтимос шу масалага аниқлик киритиб берсангиз!

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Ҳурматли биродар саҳифамизга хуш келибсиз, бундан кейин ҳам таассуротларингиз яхши бўлади деган умиддамиз.

Саволингизга келсак: Баъзи уламолар умрани ҳам вожиб деганлар, бироқ аввал умра сафари кейин ҳаж сафари демаганлар. Кимга қайсиниси аввал насиб қилиб имконият туғилса шунисини қилаверади. Пайғамбаримиз умрага борганларида ҳаж фарз бўлмаганди. Бу икки амални бир сафарда яъни, ҳаж сафарида жамлаш ҳам мумкин. Ҳажга борувчи одам умра ва ҳаж нийятини қилиб кетса бориб аввал умра қилади кейин ҳаж кунлари ҳаж қилади шу билан ҳар иккисини жамлаган бўлади. Бунга “Таматтуъ нийяти” дейилади. Бу ҳажда қилинадиган уч нийятнинг энг афзалидир.

Аллоҳ барчамизни ўз динини таълим олишга илҳомлантирсин.

Сизга ҳурмат ила ИНТ.